

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ**

ЖАЛИЛОВ ФАЗЛИДДИН СОДИҚОВИЧ

**АНТИДЕПРЕССАНТ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА СПАЙСЛАР
МОДИФИКАЦИЯЛАРИНИНГ КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК ВА
БИОФАРМАЦЕВТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси
15.00.02 – Фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Жалилов Фазлиддин Содиқович

Антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларининг
кимё-токсикологик ва биофармацевтик хусусиятлари 3

Жалилов Фазлиддин Содиқович

Химико-токсикологические и биофармацевтические особенности
антидепрессантных лекарственных средств и модификаций
спайсов..... 29

Jalilov Fazliddin Sodiqovich

Chemical-toxicological and biopharmaceutical features of antidepressant
drugs and modifications of spice 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ**

ЖАЛИЛОВ ФАЗЛИДДИН СОДИҚОВИЧ

**АНТИДЕПРЕССАНТ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА СПАЙСЛАР
МОДИФИКАЦИЯЛАРИНИНГ КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК ВА
БИОФАРМАЦЕВТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**02.00.09 - Товарлар кимёси
15.00.02 - Фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/К.33. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институти ва Божхона институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Таджиев Мансур Азизович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Пулатова Лола Таирхоновна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Дусматов Азиз Файзаматович**
фармацевтика фанлари доктори, доцент

Абдурахмонов Эргашбой
кимё фанлари доктори, профессор

Ибрагимова Марета Мухарбекована
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «19» 02 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24; email:nauka@nuu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «7» 02 кун тарқатилди.
(2022 йил «7» 02 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



З.А.Сманова

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Н.Х.Қутлимуротова

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида асосан депрессия касаллиги қон босими ва грипп касаллигидан сўнг учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу касаллик билан 25% аёллар ва 12% эркеклар азият чекмоқда. Депрессия касаллигини даволашда психотроп препаратлар кенг миқёсида ишлатилиши маиший «кимё» касаллигига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида улар билан заҳарланишлар сони ортиб бормоқда, психотроп препаратлар билан заҳарланишлар эса 20,3 % ни ташкил қилмоқда. Депрессия ҳолларида айрим инсонлар гиёҳвандлик воситаларига ружу қўйиш ҳолатлари кузатилади. Шу сабабли антидепрессантлар билан заҳарланиш ҳолатларини ўрганиш ва уларни экспресс ҳамда аниқ таҳлил усуллари билан экспертиза объектларидан аниқлашга катта аҳамият берилади.

Бугунги кунда жаҳонда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш ортиб бормоқда, бу уларини криминалистик экспертизаси объектига айлантирмоқда. Бироқ, доимий равишда тақиқланган моддалар рўйхатини шакллантираётган ва тўлдираётган назорат органларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, вазиятни тўлиқ назоратга олиш ҳар доим ҳам амалга ошмаяти. Тақиқланган дорилар ўз таъсиридан оз бўлмаган ва баъзан ҳатто юқори бўлган янги моддалар билан алмаштирилади, уларга синтетик каннабиноидлар, спайсларнинг турли хил модификацияларини киритиш мумкин. Уларнинг кичик дозаларида жиддий руҳий асоратларни ривожланиш хавфи билан тасодифий дозани ошириб юбориш натижасида ўта оғир асоратларни келтириб чиқариш хавфлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан, ушбу моддаларнинг кимёвий-токсикологик ва биофармацевтик хусусиятларини баҳолаш учун комплекс-тизимли физик-кимёвий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда турли моддалар билан заҳарланишни олдини олиш, экспертиза жараёнларини самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга... аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу муносабат билан антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларининг (МСП) кимёвий таркиби, тузилиши, ажратиб олиш хусусиятларини ўрганиш, уларни биологик объектлардан ажратиб олиш, экспресс-таҳлил усуллари ишлаб чиқиш, ушбу моддаларнинг суд-кимё экспертизаси ва кимё-токсикологик таҳлиллари талабларини қондирувчи тезкор ва юқори самарали

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларни ўтказиш амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6310-сон «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон «Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва ушбу фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ва VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ўрганилаётган антидепрессант дори воситалар (АДВ) ва спайслар модификациялар (МСП) ҳосилаларининг таҳлил қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Фрайбург университети (Германия), NIPER-A (Ҳиндистон), Newcastle University (Буюк Британия), National Institute of Legal Medicine and Forensic Sciences (Португалия), National and Kapodistrian University of Athens (Греция), Universidade Federal de Santa Catarina (Бразилия), Company of NACCS (Япония), Россия Божхона академияси, ACS (АҚШ), Hoshi University (Япония), University of North Texas (АҚШ), King's College London (Буюк Британия) Миллий фармацевтика университетида (Украина), Ўзбекистон божхона институти, шунингдек Тошкент фармацевтика институтида олиб борилмоқда.

АДВ ва МСП кимё-токсикологик ва биофармацевтик таҳлили бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига оид жаҳонда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: беморнинг қон зардоби, пешоби ва бошқа биологик объектлардан АДВ ва МСП ажратишнинг умумий кенг тарқалган ажратувчилар билан ажратиш усули ишлаб чиқилган (Сарланд университети, Карачи университети), флуоксетин биологик суюқликлардан ажратиб олишнинг хлороформ билан экстракциялашга асосланган усули ишлаб

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content ва бошқа манбаларасосида шакллантирилган

чиқилган (Украина Миллий фармацевтика университети), дори-воситалари, жумладан мураккаб кимёвий таркибли товарлар, шунингдек биологик объектлар таркибидаги ўрганилаётган препаратларни физик-кимёвий усуллар ёрдамида идентификация ва миқдорини аниқлаш усули ёрдамида экспертизаси ишлаб чиқилган (Москва тиббиёт академияси, Россия), антидепрессантларни организмга таъсир механизми аниқланган (Фрайбург университети, Германия), антидепрессантларни токсик таъсирлари аниқланган (Янги жанубий Уэлс университети, Австралия), антидепрессантларни таҳлил усуллари ишлаб чиқилган (National Institute of Legal Medicine and Forensic Sciences, Португалия), National and Kapodistrian University of Athens, Греция; Universidade Federal de Santa Catarina, Бразилия), спайсларнинг таҳлил усуллари ишлаб чиқилган (Hoshi University, Япония), University of North Texas, АҚШ), King's College London, Буюк Британия).

Дунёда криминалистик экспертза тадқиқотларида АДВ ва МСп ни таҳлил қилишнинг комплекс – тизимли ягона физик-кимёвий усуллари ишлаб чиқиш, шу жумладан АДВ ва МСп ни аниқлашнинг янги усуллари такомиллаштириш ва яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: экспертиза намуналари таркибидаги АДВ ва МСп ни аниқлашнинг замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш, тегишли моддаларни биологик объектлардан ажратиб олишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ва ажратиб олинган дори воситаларини янги юқори сезгир аналитик ускуналарда идентификациялаш, АДВ ва МСп билан захарланиш олдини олиш ва диагностикаси қилиш учун экспресс-таҳлил усуллари ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган усулларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ваколатли экспертза органлари лабораториялари амалиётига жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. АДВ ва МСп билан захарланган одамлар мурдаси ички аъзоларидан кучли таъсир этувчи моддаларни ажратиб олиб кимё-токсикологик ва биофармацевтик нуқтаи назардан таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш устида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида АДВ ва МСп билан захарланиш ҳолатлари ва унда кузатиладиган белгилар, дастлабки таҳлил усуллари ишлаб чиқиш бўйича изланишлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: Н.В. Гончарук, Д.Калкер, Ц.Б.Серхов, А.Е.Петухов, Г.В.Раменская, Е.Н.Люст, Ж.Смитсон, Р.Танакуд, L.Truta, A.L.Castro, Abdullah Al-Matrouk, Koichi Saito, Th.D.Kiselak, R.Koerber, O.Apirakkan, A.Frinculescu, J.Klavž, M.Gorenjak, A.Andriolo, O.A.Germek, A.B.Pereira, P. Fontanilleва бошқалар томонидан олиб борилган.

Маҳаллий олимлар И.Р. Асқаров, Л.Т. Пўлатова, К.М. Каримқулов, Г. Ҳамроқулов, Д.А. Раҳимовлар томонидан товарларни божхона экспертизасининг самарали экспресс усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мазкур диссертация иши илк бор кимё-токсикологик ва биофармацевтик

тадқиқотлар талабини қондирадиган сезгир, тезкор ва аниқлик даражаси юқори бўлган услубларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган таҳлил услубларини биологик объектлар таркибидан ажратиб олинган моддаларни аниқлаш учун тадбиқ этиш ва улар асосида божхона, криминалистика, суд-тиббий шунингдек кимё-токсикологик ва наркологик экспертиза марказларида экспертлар учун зарур бўлган умумлаштирилган услубий қўлланмалар тайёрлаш бўйича илк илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Фармацевтик ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлари режаси ва БВ-М-Ф7-001 «Синтетик каннабионид спайслар ва антидепрессантларни аниқлаш учун токсикологик ва иммунологик маркерларни ўрганиш» фундаментал лойиҳа (2017-2020 йй.) га мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларининг кимё-токсикологик ва биофармацевтик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда АДС ва МСп ни аниқлашни алгоритмини яратиш ва суд-криминалистика амалиётига тадбиқ этиш;

экспертза тадқиқотлари давомида далиллар базасини шакллантириш учун ишлаб чиқилган физик-кимёвий таҳлил усулларини валидация кўрсаткичларини тадқиқ қилиш;

экспертза намуналаридан АДВ ва МСп ни аниқлаш учун янги идентификация услубларини ишлаб чиқиш;

замонавий физик-кимёвий таҳлилнинг усулларидан фойдаланган ҳолда АДВ ва МСп ни миқдорий таҳлил услубларини ўрганиш;

суд-криминалистика, кимё-токсикологик, биофармацевтик, божхона, суд-кимё экспертизаларни ўтказишда АДВ ва МСп нинг физик-кимёвий таҳлилларида матрицали эффектнинг таъсирини аниқлаш;

сувли эритмалардан органик эритувчилар ёрдамида АДВ ва МСп ни ажратиб олишнинг оптимал шароитлари ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

экспертза объектлари таркибидан ажратиб олинган АДВ ва МСп сақловчи ажратмаларни тозалаш ҳамда намунани таҳлилга тайёрлашнинг мўтадил усуллари яратиш;

суяқ намуналар ва биологик суяқликлардан АДС ва МСп ни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш ва моддаларни аниқлашга тадбиқ этиш;

биологик объектларнинг (ички органларнинг) модел аралашмаларидан АДВ ва МСп экстракция қилиш шароитларини аниқлаш;

биологик материалларни одатдаги шароитлар ва объект этанол билан консервацияланган ҳолда АДВ ва МСп нинг сақланувчанлигига чириш жараёнининг таъсирини ўрганиш;

АДВ ва МСп билан ўткир ва сурункали захарланиш ҳолатларида уларни биологик суюқликлардан (ошқозон чайинди сувлари, қон, пешоб ва бошқ) таҳлил этишнинг экспресс аниқлаш усуллари яратиш ва уларни аниқлашга жорий этиш;

криминалистика, божхона, фармацевтика ва суд-тиббий экспертиза амалиётига, шунингдек, даволаш муассасаларининг клиник биокимёвий лабораторияларига (биофармацевтик, кимё-токсикологик, криминалистик, наркологик таҳлиллар) татбиқ этиш учун услубий тавсияномаларни тайёрлаш ва тегишли ташкилотларга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бир гуруҳ антидепрессант хусусиятли дори препаратлари (пароксетин, флувоксамин, флуоксетин, мirtазапин, сертралин, карбамазепин ва бошқ.) ва спайслар (АВ-Fubinаса ва АВ-Chminаса), улар билан захарланган лаборатория ҳайвонлари ҳамда мурда ички аъзолари (жигар, буйрак, ошқозон ва ичак) ва биологик суюқликлар (қон, пешоб, ошқозон чайинди сувлари)дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети АДВ ва МСп ни экспертлик намуналари (таблетка, капсула, кукун, ўсимлик қолдиқлари ва бошқ.) биологик объектлар (жигар, буйрак, ошқозон-ичак таркибий қисми билан) ва биологик суюқликлар (қон, пешоб, кўз суюқлиги, ошқозон чайинди сувлари)дан ажратиб олиш, идентификация қилиш ва миқдорини аниқлашнинг юққа қатламли хроматография (ЮҚХ), газ хроматография(ГХ), газхромато-масспектрометрия (ГХ-МС), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), ультрабинафша спектрофотометрия (УБ-СФ), термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия (ТДСИС) усуллари ўрганиш, комплекс криминалистик тадқиқотлар, ўткир захарланиш ҳолатларида тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун АДВ ва МСп ни аниқлашнинг тезкор таҳлил усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлилнинг замонавий физик-кимёвий усуллари (ГХ, ГХ-МС, ЮССХ, УБ-СФ, ТДСИС) ва анъанавий ЮҚХ ва микроскопик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларни биологик суюқлик ва объектлардан ажратиб олишнинг назарий асосланган услублари ишлаб чиқилган;

антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларини кимё-токсикологик ва биофармацевтик нуқтаи назардан ЮҚХ-скрининг, ГХ, ГХ-МС, ЮССХ, УБ-СФ усулида идентификация қилиш ва миқдор таҳлили услубларида аниқланган;

илк бор экспертлик намуналари ва биологик объектларда антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларни аниқлаш учун термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия усули ишлаб чиқилган;

экспертиза таҳлиллари пайтида антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификациялари сувли эритмалардан органик эритувчилар билан ажратиб олиш учун оптимал шароитларнинг аналитик боғлиқлигини аниқлаш орқали матрица таъсирини камайтириш ва бартараф этиш усули

аниқланган;

турли экспертиза объектлари таркибидаги соэкстрактив моддалардан текширилувчи препаратларни тозалашнинг юпқа қатламли хроматографияси услублари ишлаб чиқилган;

экспертлик намуналарни комплекс тадқиқ қилишнинг концептуал асослари учун антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларининг криминалистик, суд-кимё, кимё-токсикологик (наркологик), биофармацевтик тадқиқотларда текшириш босқичлари алгоритми яратилган;

илк бор антидепрессант дори воситалари ва спайсларни экспертиза биологик ашёларида сақланиш муддатлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экспертлик намуналари ва биологик материаллардан антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларини ажратиб олиш, чинлиги ва миқдорини аниқлашнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилган;

экспертиза таҳлилларини ўтказишда матрица эффектини таъсири ва уни камайтириш усуллари илмий ва амалий жиҳатдан аниқланган;

экспертлик намуналари ва биологик материаллардан ажратиб олинган антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларини ЮҚХ-скрининг усулида ёт моддалардан тозалаш услуги аниқланган;

олинган натижалар асосида услубий тавсияномалар, информацион хат ва амални бажариш йўриқномалари ишлаб чиқилган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ваколатли назорат органлари фаолиятида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган тадқиқот натижаларини қайта ишлашда қўлланилган замонавий статистик таҳлил усуллари, физик-кимёвий усуллар, лаборатория ҳайвонларидаги текширувлар асосида ҳамда валидация кўрсаткичлари асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар суд-криминалистика, кимё-токсикологик, биофармацевтик, божхона, суд-кимё экспертизалари жараёнида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти одамларнинг психофаол моддалар билан ўткир ва сурункали заҳарланишини аниқлашнинг суд-кимёвий, суд-тиббиёт, наркологик, кимёвий ва токсикологик экспертизаларида биологик объектларда АДВ ва МСп ни аниқлаш жараёнини осонлаштириш билан белгиланади. Ушбу иш АДВ ва МСп нинг кимёвий-токсикологик ва биофармацевтик хусусиятларини баҳолашнинг биринчи тизимли тадқиқот бўлиб, олинган таҳлилий маълумотларнинг лабораториялараро такрорланишини олдини олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти физик-кимёвий усулларида фойдаланишнинг ишлаб чиқилган алгоритмлари асосида тайёрланган услубий тавсияномалар, информацион хат ва амални бажариш йўриқномалари Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва

унинг вилоятлардаги филиаллари лабораториялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси экспертиза лабораторияси, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги криминалистика лабораториялари, Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббиёт маркази лабораторияларида, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Дори воситаларини стандартлаш илмий марказилари лабораторияларида АДВ ва МСп ни экспертиза намуналари текширувида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларининг кимё-токсикологик ва биофармацевтик изланишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Кимё-токсикологик ва биофармацевтик тадқиқотларда сертралинни аниқлаш» (31.05.2017 й., №3/4/2), «Кимё-токсикологик ва биофармацевтик тадқиқотларда пароксетинни аниқлаш» (31.05.2017 й., №3/4/2), «Кимё-токсикологик ва биофармацевтик тадқиқотларда карбамазепинни аниқлаш» (21.04.2018 й., №2/1/2) услубий тавсияномалари тасдиқланган. (Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 12 феврал 2021 йилдаги 25-06/0546-сон маълумотномаси). Натижада, антидепрессант дори воситаларини стандартлаш ва сертификатлаш ҳамда уларни экспертизаси аниқлиги ва сифатини оширишга имкони яратилган;

«Антидепрессантларни термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия усулида таҳлили» (30.20.2020 й., № 01-03/1274) информацион хати, «Биологик суюқликлардан антидепрессантларни суд кимёвий аниқлаш» (30.12.2020 й., №АБЙ.Г.250.2020) ва «Биологик суюқликлардан спайсларни суд кимёвий аниқлаш» (30.12.2020 й., №АБЙ.Г.251.2020) амални бажариш йўриқномалари тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 08-09/6514-сон маълумотномаси). Натижада, биологик объектлар ва суюқликлардан антидепрессант дори воситалари ва спайслар модификацияларини ажратиб олиш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди, бу эса суд тиббий экспертизаларининг аниқлигини ошириш ва сифатини ошириш имконини беради;

«Суд-криминалистик тадқиқотларда янги синтетик каннабиноид спайсларни газ хромато-масс-спектрометрик усулида аниқлаш» (31.05.2017 й., №3/4/2) услубий тавсияномаси тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси лабораториясининг 2021 йил 1 февралдаги 1/16-042-043-сон маълумотномаси). Натижада, таҳлил вақтини қисқартиришга ва тадқиқот харажатларини пасайтириш имконини берган;

услубий тавсияномалар, информацион хат ва амални бажариш йўриқномалари тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Республика суд экспертиза марказининг 2021 йил 28 январдаги 29-18-76-сон маълумотномаси). Натижада, физик-кимёвий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда комплекс методологияни амалий қўллаш учун ишлаб чиқилган янги алгоритм суд-криминалистика амалиётида маълумотларнинг лабораториялараро такрорланишини олдини олиш орқали экспертиза вақтини қисқартириш имкони яратилган;

спайсларни турли экспетрлик объектларда замонавий таҳлил усулларида аниқлашга оид натижалар асосида «5510500-фармация» бакалаврият таълим йўналиши бўйича «Гиёҳванд моддалар таҳлили» ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Гувоҳнома №001741). Натижада, бакалаврларнинг суд-кимё, криминалистика ва экспертизаси соҳасидаги билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 40 та, жумладан, 12 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 95 та илмий ишлар, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, объектлари, тадқиқот предмети, усуллари, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва татбиқ қилиниш ҳолати, таҳлил натижаларини чоп қилиниш даражаси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Антидепрессант дори воситалари ва модификациядаги спайсларни экспертиза таҳлили соҳаларидаги тадқиқотларнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида АДВ ва МСп препаратларининг фармакологик хусусиятлари ва заҳарлилиги, фармакокинетикаси ва метаболизми, физик-кимёвий хоссалари, кимё-токсикологик таҳлил усуллари, суд-тиббий ҳамда токсикологик аҳамияти тўғрисидаги илмий адабиётлардаги умумий маълумотлар келтирилган.

Адабиётларда келтирилган маълумотларни чуқур ўрганиш шуни кўрсатдики, АДВ ва МСп нинг турли объектлардаги мавжуд таҳлил усуллари турлича ва улар бир тизимга келтирилмаган. АДВ ва МСп гуруҳи препаратларини тадқиқ қилиш, суд-кимё ва кимё-токсикологик тадқиқот ўтказиш вақтида турли физик-кимёвий усуллар ўртасидаги тафовутларнинг тизимли ёндашув мавжуд эмас. Биологик объектлардан АДВ ва МСп ни ажратиб олишга қаратилган мавжуд усуллар етарлича ишлаб чиқилмаган ва замонавий кимё-токсикологик таҳлил талабларига жавоб бермайди. Чирин бошланган биологик материалларда АДВ ва МСп ни сақланиши ва бу жараёнга консервантларнинг таъсири етарлича ўрганилмаган. Материалларни таҳлил қилиш асосида диссертацияда қўйилган муаммонинг долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Экспертиза тақиқотлари учун антидепрессант дори воситалари ва модификациядаги спайсларнинг физик-кимёвий усулларда таҳлилини ўрганиш» деб номланиб, суд-криминалистика, кимё-токсикологик, биофармацевтик, божхона, суд-кимё тадқиқотлар учун керак бўлган сезгир ва махсус таҳлил усулларини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

АДВ ва МСп ни аниқлаш мақсадида ўтказилган кўп сонли тажрибалар натижасида анъанавий ЮҚХ усули таклиф қилинган ва этил спирти-хлороформ-бензол (2:1:2) тизимидан фойдаланиш тавсия этилди. АДВ ва МСп ни оқсил табиатли моддалар аралашмаларидан энг мўтадил ажратиш, доғни жойлашган ҳудудини аниқ шакллантириш «Сорбфил», «Силуфол» ва бошқа тайёр пластинкаларида амалга оширилди. Ишлаб чиқилган хроматографиялашнинг мўтадил шароитда АДВ ва МСп ни R_f қийматлари ўрганилди. Ўрганиш натижаларида АВ-chminаса 0,87-0,90, АВ-fubinаса 0,91-0,93, флуоксетин 0,58-0,62, флувоксамин 0,52-0,54, сертралин 0,60-0,62, пароксетин 0,31-0,34, эсциталопрам 0,28-0,30, карбамазепин 0,84-0,85, миртазапин 0,78-0,80, пирлиндол 0,70-0,72 R_f қийматларини кўрсатган.

1-жадвал

АДВ ва МСп тадқиқотлари учун тавсия этилаётган ЮҚХ-скрининг таҳлили шароитлари

Модда номи	Эритувчилар системаси	Очувчи реактив	Сорбфил		Элюант
			R _f	R _x	
Амитриптиллин	этил спирти-хлороформ-бензол (2:1:2)	254 нм УБ нурикўрилади, сўнгра Мунье бўйича тайёрланган Драгендорф реактиви билан ишланади.	0,37	61,7	96% этанол, метанол ёки хлороформ
Эциталопрам			0,29	48,3	
Флуоксетин			0,58	96,7	
Флувоксамин			0,54	90,0	
Имипрамин			0,66	110,0	
Карбамазепин			0,92	153,3	
Миртазепин			0,79	131,7	
Пароксетин			0,33	55,0	
Пирлиндол			0,71	118,3	
Сертралин			0,6	100,0	
Тразадон			0,95	158,3	
Венлафаксин			0,47	78,3	
АВ-chminаса			0,88	146,7	
АВ-fubinаса			0,92	153,3	

Пластинкада моддаларни жойлашган жойини аниқлаш учун куйидаги реагентлар етарли даражада сезгир эканлиги кўрсатилди булар: Бром фенол кўки, Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви, УБ нури, йод буғи, Марки реактиви. Биологик объектлар таркибидан АДВ ва МСп нинг аниқлаш тадқиқотларида тавсия қилинган реактивларнинг яроқлилиги ва сезгирлиги ўрганилган.

Тадқиқотлар натижасида ЮҚХ-скрининг таҳлили учун мўтадил усули ишлаб чиқилди. Ушбу таҳлил усулларида биологик суюқликлар ва биологик

объект таркибидан ажратиб олинган АДВ ва МСп ни аниқлаш мақсадида тажрибалар ўтказилган. Натижалар ишлаб чиқилган ЮҚХ-скрининг усули ўрганилаётган моддаларни идентификация қилиш жараенида яроқли эканлигини кўрсатган.

АДВ ва МСп ни ГХ таҳлилини амалга оширишда Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган “3424А” русумли газ хроматографида олиб борилди. Бу асбоб Agilent PN122-1032G маркали DB-1-DG билан тўлдирилган, узунлиги 30 м, ички диаметри 0,25 мм бўлган металл капилляр хроматографик колонкага ва ион алангаланувчи детекторга эга бўлиб, асбоб тўлалигича “BF-2002 Chromatography Workstation” дастури ёрдамида компьютер орқали бошқарилади. Ташувчи газ - азот, оқим тезлиги 30 мл/дақ; водород оқими тезлиги 30 мл/дақ; ҳаво оқими тезлиги 300 мл/дақ; детектор ҳарорати 300 °С; инжектор (дозатор) ҳарорати 270 °С; колонка термостатининг ҳарорати 250 °С; $P_{\text{кол}} = 0,17 \text{ МПа}$; $K_{\text{бўлиниш}} = 1/30$; таҳлил давомийлиги 10 дақиқа. Ушбу шароитларда АДВ ва МСп ни ушланиш вақтлари топилди. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

АДВ ва МСп учун ГХ усулида ишлаб чиқилган таҳлил шароитларида олинган натижалар

№	Текширилувчи модда	Ушланиш вақти, дақ
1.	АВ-chminаса	8,36
2.	АВ-fubinаса	7,04
3.	Флуоксетин	1,32
4.	Флувоксамин	4,72
5.	Сертралин	6,57
6.	Пароксетин	8,77
7.	Эсциталопрам	6,73
8.	Карбамазепин	6,12
9.	Миртазапин	5,46
10.	Пирлиндол	6,23

АДВ ва МСп ГХ-МС таҳлили Agilent Thechnologies фирмасида ишлаб чиқарилган 7890А GC system-5975С inert XLMSD русумли газ хромато-масс-спектрометр асбобида олиб борилган. АДВ ва МСп ни таҳлил қилиш учун қуйидаги шароитлар ишлаб чиқилди: - узунлиги 15 м, ички диаметри 0,25 мм бўлган металл капилляр колонка ички деворлари сатҳи 0,25 мкм қалинликда НР - 5MS 5% метилфенилсилоксан билан тўлдирилган; инжектор ҳарорати 270 °С; колонка термостати ҳарорати 50 °С дан 200 °С гача, ҳарорат кўтарилиш тезлиги 30 °С/дақ; шу ҳароратда таҳлил 5 дақиқа туради, сўнгра колонка термостати ҳарорати 290 °С гача, ҳарорат кўтарилиш тезлиги 60 °С/дақ; шу ҳароратда таҳлил 8 дақиқа туради; кўзғалувчи фаза – водород, тезлиги 2 мл/дақ; юборилувчи намуна ҳажми 1 мкл; таҳлил вақти 30 дақиқа. Таҳлил учун аниқ миқдорда (0,01 г а.т.) модда сақлаган стандарт намуна

эритмаси асосида тайёрланган 50 ва 100 мкг/мл концентрацияли ишчи эритмалар олинди. Ишчи эритмалар юқорида келтирилган шароитда хроматограф колонкага юборилди. Таҳлил натижасида хроматограммада антидепрессантлар ва спайсларга хос чўққилар пайдо бўлган. Сўнгра ҳосил бўлган чўққилар учун масс-спектрофотометрик таҳлил кўриб чиқилди. Тажриба натижасида олинган АДВ ва МСп нинг хроматограммаси ва масс спектрлари компьютер маълумотлар банкидаги кўрсаткичлар билан солиштирилди ва уларнинг тузилиши тегишли моддалар структурасига мос келиши аниқланди. АДВ ва МСп нинг ГХ-МС усули таҳлили натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ГХ-МС усулда АДВ ва МСп нинг таҳлил натижалари

№	Модда номи	Ушланиш вақти, дақ	Характерли ионлар(m/z)
1.	АВ-chminаса	23,73	41, 55;90; 103; 145; 241; 312; 341; 356
2.	АВ-fubinаса	22,23	44; 83; 109; 145; 225; 253; 262; 324
3.	Флуоксетин	8,34	44; 91; 104; 161; 182; 232; 251; 276; 309
4.	Флувоксамин	19,11	43; 45; 71; 145; 172; 187; 200; 276
5.	Сертралин	18,89	42; 89; 115; 144; 159; 239; 262; 274; 304
6.	Пароксетин	20,37	42; 41; 44; 70; 109; 138; 192; 329
7.	Эсциталопрам	18,95	42; 58; 71; 84; 95; 133; 190; 208; 238; 324
8.	Карбамазепин	20,37	44; 70; 109; 138; 177; 192; 329
9.	Миртазапин	17,63	43; 111; 152; 167; 180; 195; 208; 221; 265
10.	Пирлиндол	12,54	44; 78;89;116; 149; 197;226;249

Ушбу шароитларда биологик ашёлар таркибидан ажратиб олинган АДВ ва МСп ни таҳлили амалга оширилди. ГХ-МС усулининг тавсия этилаётган шароитларда биологик объектлар таркибидан ажратиб олинган АДВ ва МСп ни идентификация кўрсаткичларидан бири сифатида қўлланилиши мумкин.

АДВ ва МСп нинг ЮССХ таҳлили «Agilent Technologies» фирмасининг «Agilent 1200 LC» VWD спектрофотометрик детекторли (190-600 нм) суюқлик хроматографида ўтказилди. Хроматография шароитлари: 3×50 мм ўлчамли пўлат колонка ўлчами 3,5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C18 сорбент билан тўлдирилган, кўзғалувчи фаза: 0,03М гептансулфонат натрий, сув ва ацетонитрилнинг тенг нисбатдаги аралашмаси коцентрланган сирка кислотаси ёрдамида рН 4,5 келтирилди, оқим тезлиги 0,8 мл/дақ, юбориладиган ҳажм 20 мкл, тегишли тўлқин узунлигида спектрофотометрда детекторланган.

АДВ ва МСп учун ишлаб чиқилган ЮССХ усулини экспертлик намуналар таркибидан ажратиб олинган ва ёт моддалардан тозаланган намуна учун синаб кўрилганда, ишчи стандарт модданинг ушланиш вақти билан бир хил натижа бериши кузатилган.

АДВ ва МСп нинг ЮССХ усули таҳлили натижалари

№	Модда номи	Ушланиш вақти, дақ
1.	АВ-chminаса	5,14
2.	АВ-fubinаса	5,48
3.	Флуоксетин	1,65
4.	Флувоксамин	1,42
5.	Сертралин	1,61
6.	Пароксетин	1,34
7.	Эсциталопрам	1,05
8.	Карбамазепин	2,41
9.	Миртазапин	2,84
10.	Пирлиндол	3,27

Спектрофотометрия ёки ютилиш спектроскопиясининг физик-кимёвий усули электромагнит нурланишнинг оптик минтақасида ютилиш спектрларини, яъни спектрнинг ултрабинафша (200-400 нм), кўринадиган (400-800 нм) ва инфрақизил (> 800 нм) ҳудудларида ўлчашга асосланган. АДВ ва МСп ни эритмалар ва биологик материаллардан олинган экстрактларда УБ-спектрофотометрия усулида уларнинг спектрал хусусиятларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

Таҳқиқотлар Agilent Technologies фирмасининг UV-VIS - 8453 спектрофотометр асбобида тўлқин узунлиги 220-400 нм доирасида 10 мм қатлам қалинлигида амалга оширилди. Эритувчи сифатида этанол, метанол, 0,1 М хлорид кислота эритмаларидан фойдаланилди. Солиштирувчи эритмалар сифатида АДВ ва МСп стандарт намуналари эритилган мос эритувчилар қўлланилди. АДВ ва МСп турли эритувчилардаги УБ-спектрлари 5-жадвалда келтирилган.


5 - жадвал

АДВ ва МСп нинг УБ-спектрофотометрик кўрсаткичлари

Модда номи	АДВ ва МСп нинг максимум тўлқин узунлиги λ_{\max} (нм)		
	Этанол	Метанол	0,1 М НСІ
АВ-chminаса	210, 303*	210, 303*	-
АВ-fubinаса	302*	302*	-
Флуоксетин	227, 262, 269*, 276	227, 264, 268, 275	226, 263, 275
Флувоксамин	254*	254*	254*
Сертралин	267, 274*, 282	266, 274*, 282	265, 273*, 281
Пароксетин	235, 264, 271, 295*	235, 264, 271, 295*	233, 264, 270, 294*
Эсциталопрам	239*, 275, 284	239*, 275, 283	239*, 275, 284
Карбамазепин	286*	286*	237, 285*
Миртазапин	295*	295*	294*
Пирлиндол	232, 290*	232, 290*	230, 290*

изоҳ: 1. «-» – манфий натижа; 2. «» – тўлқин узунлиги оптик зичлик қийматини аниқлаш тавсия этилади.*

АДВ ва МСп ни УБ-спектрофотометрия усули валидациясини кўрсаткичлари ўрагилди (6-жадвал). Бунинг учун АДВ ва МСп нинг стандарт эритмалари мўтадил эрувчанлиги бўлган эритувчиларда эритмалари тайёрлади. АВ-chminаса, АВ-fubinаса стандарт эритмалари метанолда, флуоксетин, флувоксамин, сертралин, пароксетин, эсциталопрам, карбамазепин, миртазапин ва пирлиндол этанолли эритмалари тайёрланди. Усулнинг нисбий хатолиги 2-3% ташкил қилди. Оптик зичлик қийматлари 0,2 дан 1,0 оралиғида бўлиши оптимал ҳисобланади (1-расм). Ўлчов натижалари асосида оптик зичликнинг эритмалар контсентрациясига боғлиқлиги эгри чизиғи тузилди ва регрессия тенгламаси ва корреляция коэффиценти ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек, ўрганилган АДВ ва МСп нинг ўзига хос солиштирма нур ютиш кўрсаткичи (E) ва моляр нур синдириш кўрсаткичи (ϵ) аниқланган.



1 - расм. Пароксетинни УБ-спектрлари ва калибрланган чизмаси

АДВ ва МСп нинг текширилувчи ашёлар таркибидаги модда миқдорларини аниқлаш қуйидаги формула асосида олиб борилади.

$$X = \frac{D \cdot V_1 \cdot 1000}{E_{1cm}^{1\%} \cdot 100 \cdot V_2}$$

бунда, D - эритманинг оптик зичлиги;

$E_{1cm}^{1\%}$ - АДВ ва МСп нинг солиштирма нур ютиш кўрсаткичи;

V_1 - текширилувчи эритма ҳажми, мл;


V_2 - текширилувчи ашё ҳажми, мл.

**АДВ ва МСп ни УБ-спектрометрик усулда таҳлил қилишнинг
валидация кўрсаткичлари**


<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>AB-Chminaka</i>	<i>AB-Fubinasa</i>	<i>Флуоксатин</i>	<i>Флувоксамин</i>	<i>Сертралин</i>	<i>Пароксетин</i>	<i>Эсциталопрам</i>	<i>Карбамазепин</i>	<i>Миртазапин</i>	<i>Пирлиндол</i>
λ_{\max} , нм	303	302	276	254	274	295	239	286	276	232
Ламберта-Бера қонцнига бўйсунуш диапазоли, мкг/мл	5-30.	4-48.	40-400	4-48.	30-300	5-60.	1-12,5	2-14.	40-400.	0,5-5.
a - регрессия тенгламасининг эркин ҳади	0,0027	-0,015	0,0056	0,0004	0,0029	0,0069	0,0046	0,002	0,0056	0,0112
b - регрессия коэффициенти	0,031	0,0254	0,003	0,0214	0,003	0,0179	0,0763	0,0696	0,003	0,1916
корреляция коэффициенти (r^2)	1	0,9994	0,9999	0,9999	0,9999	0,9998	0,9998	0,9994	0,9999	0,9998
солиштирма нур ютиш кўрсаткичи (E)	31,24	23,99	30,09	181,9	100,21	181,9	77,15	700,38	30,09	199,06
моляр нур ютиш кўрсаткичи(ε)	1114,89	877,22	934,25	5803,25	3068,34	6005,62	2507,18	23523,06	934,25	4531,53
АЧ, мкг/мл	0,1772	1,163	3,78	0,0362	1,9084	0,7732	0,1204	0,0574	3,78	0,1171
ИҚЧ, мкг/мл	0,5316	3,488	11,34	0,1087	5,7253	2,3195	0,3611	0,1723	11,34	0,3513
нисбий стандарт четланиш, %	2,6438	1,094	1,3111	0,9951	1,0214	1,4236	1,9879	1,0956	1,311	1,9879

Биринчи марта АДВ ва МСп ни аниқлаш учун ПИИ-Н-С «Искович-1» индикатори ёрдамида термодесорбцион сиртионлашган спектроскопия усули қўлланилди. Юқорида кўрсатилган асбобда ТДСИС усулида АДВ ва МСп ни аниқлаш бўйича тадқиқотлар қуйидаги шароитларда ўтказилди: эмиттер ҳарорати 390-420 °С, эмиттери кучланиши 400 В, буғлаткич ҳарорати хона ҳароратидан 500 °С гача қўтарилади, спектр ёзувлари мониторда қайд этилди ва ток миқдори 10^{-11} - 10^{-7A} диапазонда ўзгартирилди.


Текширилувчи намуналар 0,01 г (а.т.) тортилиб, 10 мл ли ўлчов колбасида 96% этил спирти билан эритилди. Тайёрланган эритманинг ҳажми белгисигача 96% этил спирти билан етказилди. Шу эритмадан текширилувчи намуналарнинг 100 мкг/мл ишчи стандарт эритмаси тайёрланиб, микрошприц ёрдамида 1 мкл миқдорда ПИИ-Н-С “Искович-1” аппаратининг буғлаткич лентасидаги цилиндрик чуқурчага солинди ва текширилувчи намуналарнинг термодесорбцион спектрлари олинди.




AB-chminasa




AB-fubinasa




Флуоксатин




Флувоксамин




Сертралин




Пароксетин




Эсциталопрам



Карбамазепин



Миртазапин



Пирлиндол

Изох: абсцисс ўқи бўйича– буғлаткич ҳарорати (T), °C; ордината ўқи бўйича – ток кучи миқдори (I), A.

2-расм. АДВ ва МСп ни ТДСИ-спектрлари

Натижалар 2-расмда келтирилган. Биологик намуналардан ажратиб олинган АДВ ва МСп идентификациялаш уларнинг стандарт намуналари

эритмали спектрларини бир-бирига таққослаб амалга оширилди. АДВ ва МСп ни ТДСИС усулида аниқлашнинг валидация кўрсаткичлари ўрганилди. Валидацияси натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал


ТДСИС усулида АДВ ва МСп ни таҳлил қилишнинг валидация кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	АВ-chminasa	АВ-fubinasa	Флуоксетин	Флувоксамин	Сертралин	Пароксетин	Эсциталопрам	Карбамазепин	Миртазапин	Пирлиндол
T_{max} , °C	200±10	205±15	96±15 212±15	123±10 203±10	131±15 190±15	144±15	130±15	134±15 188±15	141±15 227±15	184±15
Аниқлашнинг чизиқли диапазони, мкг/мл	10-125	10-125	5,0-30,0	100,0-600,0	50,0-300,0	10,0-450,0	5,0-50,0	1,0-30,0	10-125	5,0-50,0
Ионланиш коэффиценти, ($K_i \times 10^{-12A}$)	30,14	22,97	83,22	4,11	7,41	~10,51	56,29	187,77	49,75	79,64
a – регрессия тенгламасининг эркин ҳади	12,59	53,32	14,8	-25,4	43,87	~139,71	~57,94	67,39	-5,67	-44,45
b - регрессия коэффиценти	29,97	21,92	82,11	4,18	7,05	11,85	59,78	178,08	50,37	82
r^2 -корреляция коэффиценти	0,9827	0,9978	0,9997	0,9987	0,9983	0,9931	0,9948	0,9963	0,9998	0,9989
АЧ, мкг/мл	0,8	4,9	0,4	10	12,4	0,9	0,5	0,8	3	1
ИҚЧ, мкг/мл	2,5	14,6	1,1	25	37,3	2,7	2	2,3	10	3
АЧ max , мкг/мл	175	250	60	1000	600	500	90	35	100	65


Шу билан бирга, қурилма ионланиш даражаси (ток кучи) 4000-5000 А дан юқори бўлганда таҳлил қилинаётган модда концентрациясини ўлчашни тавсия қилинмайди. Усул валидация кўрсаткичларидан биз эритмалар максимал концентрациясининг тавсия қилинадиган чегараси яъни максимал аниқланиш чегараси ($АЧ_{max}$) аниқланди.

Ўтказилган ТДСИС усули АДВ ва МСп нинг суд-криминалистик, биофармацевтик ва кимё-токсикологик таҳлилларида бу моддаларни идентификациялаш ва миқдорий таҳлили учун яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берган.

Махсус ускуналар билан жиҳозланмаган лабораторияларда янги турдаги наркотиклар спайсларнинг дастлабки текшируви микроскопик тадқиқотлар ёрдамидани амалга оширилиш мумкинлиги тажриба йўли билан аниқланган, бунинг натижасида олинган маълумотлар асосида кейинги махсус ускуналар усуллар ёрдамида спайсларни тасдиқлаб олиш мумкин (3-4-расм).



3-расм. АВ-chminасанинг микроскопик тадқиқот натижалари



4-расм АВ-fubinасанинг микроскопик тадқиқот натижалари

Диссертациянинг учинчи боби «Экспертиза таҳлилларини ўтказишда матрица эффеќтини таъсири ва уни камайтириш усуллари» деб номланган ўсимлик хом ашёси ва келиб чиқиши биологик табиатли (қон, сийдик, жигар ва бошқ) объектларидаги “спайслар” ва антидепрессантларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда, кўпинча биологик матрицанинг текширилувчи моддаларни инструментал физик-кимёвий аниқлашда таъсир этиши билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади. Бугунги кунда бундай муаммоларни аниқлаш ва уларни йўқотиш йўлларини излаш жуда долзарбдир, чунки гиёҳвандлик воситаларини тарқатишни тақиқловчи қонунларни четлаб ўтиш учун ушбу наркотик ҳосилалари уларнинг аналоглари шаклида яратилади. АДВ ва МСп сувли эритмалардан экстракция шароитларини ва экстрагент табиати, рН-муҳит, экстракция сони ва электролитни қўшиш каби омилларнинг ушбу жараёнга таъсирини ўрганишга бағишланган маълумотлар келтирилган. Экстракцияланган АДВ ва МСп миқдорини аниқлаш спектрофотометрик усулда ўтказилган.

Тажрибалар натижасида текшириладиган АДВ ва МСп экстракцияланиши маълум даражада рН муҳит ва фойдаланилган органик эритувчиларнинг табиатига боғлиқ эканлиги аниқланган.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики АВ-chminаса, АВ-fubinаса, ва карбамазепин 6,5-7,5 рН орлиғида қолган моддалалар флуоксетин, флувоксамин, сертралин, пароксетин, эциталопрам, миртазапинва пирлиндол 9-9,5 рН орлиғида максимал миқдорда органик эритувчиларга эриб ўтар экан.

Сувли муҳитдан экстракция жараёнига органик эритувчи табиатининг таъсирини ўрганилди. Бунда тадқиқ қилинаётган АДВ ва МСп хлороформ, этилацетат, бутилацетат, бензол, н-гептан, толуол ва углерод (IV) хлорид билан муҳит кўрсаткичи юқорида келтирилган шароитда турли даражада экстракцияланди. Натижалар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

АДВ ва МСп нинг экстракция жараёнига органик эритувчиларнинг таъсири

№	Модда номи	рН мухити	Органик эритувчилар					
			Хлоро-форм	Хлор-бутан	Гексан	Бензол	Диэтил эфир	Этил-ацетат
1	АВ-chminаса	6,8-7,2	88,18	72,35	49,82	42,54	78,23	81,55
2	АВ-fubinаса	6,8-7,2	71,71	77,47	40,2	35,47	58,47	40,93
3	Флуоксетин	9,0-9,5	96,36	72,58	92,43	86,15	69,48	83,65
4	Флувоксамин	9,0-9,5	75,57	9,43	19,9	36,76	60,67	67,76
5	Сертралин	9,0-9,5	91,91	47,88	84,84	62,71	83,09	89,12
6	Пароксетин	9,0-9,5	89,52	63,04	85,82	83,72	82,8	74,28
7	Эсциталопрам	9,0-9,5	76,68	76,68	41,73	44,18	57,91	73,77
8	Карбамазепин	6,8-7,2	91,13	52,67	39,22	48,71	78,37	89,12
9	Миртазапин	9,0-9,5	71,81	64,22	62,91	54,28	94,64	43,24
10	Пирлиндол	9,0-9,5	87,97	71,3	54,8	39,45	65,71	93,6

Жадвалларда келтирилган олинган натижалардан кўришиб турибдики, текширилаётган АДВ ва МСп нинг экстракцияланиши кўп жиҳатдан муҳит рН қиймати ва ишлатилган органик эритувчиларнинг табиатига боғлиқ. Қиёсий жиҳатдан, рН қийматида 6,8-7,2 бўлганда АВ-chminаса ва карбамазепин хлороформда (88,18%), АВ-fubinаса хлоробутанда (77,47 %), максимал даражада сувли муҳитнинг экстракцияланганлиги аниқланди, рН қийматида 9,0-9,5 бўлганда эса флуоксетин (96,36%), флувоксамин (75,57%), сертралин (91,91%), пароксетин (89,52%), эсциталопрам (76,68%), хлороформда, пирлиндол (93,6%) этил ацетатда, миртазапин эса диэтил эфири (94,64%) билан максимал миқдорда ажралиб чиқиши аниқланди.

Экстракция сонини ошириш АДВ ва МСп эритмадан ажратиб олинадиган миқдорини оширади ва уч марта экстракциялашда максимал даражага етади, эритмада электролитлар мавжуд бўлганда экстракция даражаси кам миқдорда ошади, шунинг учун улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган.

АДВ ва МСп ни биологик суюқликлардан ажратиб олиш натижалари

Теширилувчи биологик суюқликлар	Қўшилган модда, мкг	Модда номи	АДВ ва МСп аниқланди (n=5)	
			мкг	%
Қон (10 мл)	150	АВ-chminаса	89,67	59,78
		АВ-fubinаса	81,41	54,27
		Флуоксетин	97,98	65,32
		Флувоксамин	78,42	52,28
		Сертралин	90,84	60,56
		Пароксетин	91,56	61,04
		Эсциталопрам	100,2	66,81
		Карбамазепин	91,71	61,14
		Миртазапин	99,51	66,34
		Пирлиндол	89,67	59,78
Сийдик (20 мл)	150	АВ-chminаса	93,65	62,43
		АВ-fubinаса	91,01	60,67
		Флуоксетин	112,08	74,72
		Флувоксамин	92,72	61,81
		Сертралин	108,71	72,47
		Пароксетин	111,18	74,12
		Эсциталопрам	116,79	77,86
		Карбамазепин	104,75	69,83
		Миртазапин	117,98	78,65
		Пирлиндол	96,39	64,26
Ошқозон чайинди сувлари (50 мл)	150	АВ-chminаса	96,38	64,25
		АВ-fubinаса	98,04	65,36
		Флуоксетин	108,66	72,44
		Флувоксамин	94,73	63,15
		Сертралин	109,82	73,21
		Пароксетин	112,29	74,86
		Эсциталопрам	117,98	78,65
		Карбамазепин	105,36	70,24
		Миртазапин	118,37	78,91
		Пирлиндол	98,19	65,46
Қўз суюқлиги (шишасимон тана) (1-2 мл)	100	АВ-chminаса	60,14	60,14
		АВ-fubinаса	56,24	56,24
		Флуоксетин	66,28	66,28
		Флувоксамин	54,32	54,32
		Сертралин	61,27	61,27
		Пароксетин	63,45	63,45
		Эсциталопрам	67,16	67,16
		Карбамазепин	61,84	61,84
		Миртазапин	68,94	68,94
		Пирлиндол	62,05	62,05

Экспертиза намуналари (объектлар) таркибидан ажратиб олинган антидепрессантлар ва спайсларни ёт моддалардан тозалаш ЮҚХ усули таклиф этилди. Бунда мўтадил элюант сифатида 96 % этил спирти тавсия қилинган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Турли экспертиза намуналари (объектлар) таркибидан антидепрессантлар ва спайслар ажратиб олиш ҳамда комплекс тадқиқ қилиш усуллари ишлаб чиқиш» деб номланган. Ушбу бўлимда АДВ ва МСп ни нобиологик ашёвий далиллардан ҳамда биологик объектлар таркибидан ажратиб олиш билан боғлиқ масалаларни тажриба тадқиқотларида ўрганиш натижалари ҳамда экспертлик намуналарни комплекс тадқиқ қилишнинг концептуал асослари келтирилган.

АДВ ва МСп ни қондан ажратишнинг хусусий усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, у нейтрал ва ишқорий муҳитга эга сувли эритмадан ҳар бир таҳлил қилинаётган препаратлар учун органик эритувчи билан уч марта экстракция қилишга асосланган бўлиб, натижалар 9-жадвалда келтирилган.

Тавсия этилаётган экстракция шароитларида қон таркибидан, мос равишда АВ-chminаса 59,78 %, АВ-fubinаса 54,27 %, флуоксетин 65,32 %, флувоксамин 52,28 %, сертралин 60,56 %, пароксетин 61,04 %, эсциталопрам 66,81%, карбамазепин 61,14 %, миртазапин 63,87 %, пирлиндол 66,34 % миқдорида ажратиб олиш имконини беради.

АДВ ва МСп ни сийдикдан ажратиб олишнинг хусусий усуллари келтирилган сувли эритмалардан органик эритувчи ёрдамида уч марта экстракциялашга асосланган. Ушбу усуллар сийдик таркибидан, мос равишда АВ-chminаса 65,43 %, АВ-fubinаса 60,67 %, флуоксетин 74,72 %, флувоксамин 61,81 %, сертралин 72,47 %, пароксетин 74,12%, эсциталопрам 76,43 %, карбамазепин 69,83 %, миртазапин 78,65 %, пирлиндол 64,26 % миқдорида ажратиб олинди. Шунингдек ошқозон чайинди сувлари ва кўз суюқлиги таркибидан АДВ ва МСп ни ажратиб олиш усуллари ўранилган.

Шу билан бирга АДВ ва МСп биологик объектдан ажратиб олишда органик заҳарларни ажратиб олишнинг умумий усуллари кўллаш имкониятлари ўрганилган ва уларга қиёсий баҳо берилган. Бу усулларда АДВ ва МСп ажратиб олиш натижалари 10-жадвалда келтирилган. Юқорида кўрсатилган ажратиб олиш усуллари модификацияланган А.А.Васильева усули мақсадга мувофиқ деб топилган ва ушбу усулда моддаларни биологик объектлардан таркибидан, мос равишда АВ-chminаса 31,06 %, АВ-fubinаса 30,47 %, флуоксетин 36,41 %, флувоксамин 30,48 %, сертралин 34,78 %, пароксетин 36,23 %, эсциталопрам 37,64 %, карбамазепин 32,22 %, миртазапин 36,47 %, пирлиндол 33,78 % миқдорида ажратиш мумкинлиги тажриба йўли билан исботланган.

Экспертлик намуналарни комплекс тадқиқ қилишнинг концептуал асослари учун АДВ ва МСп ни криминалистик, суд-кимё, кимё-токсикологик (наркологик), биофармацевтик тадқиқотларда текшириш босқичлари алгоритми ишлаб чиқилган.

Биологик объектлардан органик захарларни ажратишнинг умумий усулларида АДВ ва МСп ни ажратиб олиш натижалари

Теширилувчи биологик объект 10 г (жигар) таркибидан	Қўшилган модда, мкг	Модда номи	АДВ ва МСп аниқланди (n=5)	
			мкг	%
А.А.Васильева усули	200	АВ-chminаса	62,12	31,1
		АВ-fubinаса	60,94	30,5
		Флуоксетин	72,82	36,4
		Флувоксамин	60,96	30,5
		Сертралин	69,56	34,8
		Пароксетин	72,46	36,2
		Эсциталопрам	75,28	37,6
		Карбамазепин	64,44	32,2
		Миртазапин	72,94	36,5
		Пирлиндол	67,56	33,8
В.Ф.Крамаренко усули	200	АВ-chminаса	27,4	13,7
		АВ-fubinаса	23,9	12
		Флуоксетин	23	11,5
		Флувоксамин	23,7	11,9
		Сертралин	33,9	17
		Пароксетин	24,2	12,1
		Эсциталопрам	36,4	18,2
		Карбамазепин	31,01	15,5
		Миртазапин	32,8	16,4
		Пирлиндол	24,4	12,2
Стаса – Отто усули	200	АВ-chminаса	16,22	8,11
		АВ-fubinаса	15,28	7,64
		Флуоксетин	25,02	12,51
		Флувоксамин	19,68	9,84
		Сертралин	24,56	12,28
		Пароксетин	18,9	9,45
		Эсциталопрам	29,5	14,75
		Карбамазепин	25,24	12,62
		Миртазапин	22,28	11,14
		Пирлиндол	17,10	8,55

Диссертациянинг бешинчи боби «Антидепрессант дори воситалари ва спайсларни экспертиза намуналари (биологик ашёлар) да сақланиш муддатлари ва уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш» деб номланиб, АДВ ва МСп ни биологик объектларда сақланувчанлигини ўрганишга бағишланган тажриба маълумотлари ва бу жараёнга

